



INNOVATION IQTISODIYOT

Ilmiy-amaliy elektron jurnal

2026

№3


ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

INNOVATIVE ECONOMY

Scientific and practical electronic journal



Indexlanadigan bazalar:  Google Scholar  Crossref  OpenAIRE  CYBERLENIKA



INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY
ELEKTRON JURNAL

3-jild
3-son
March, 2026

February, 2026
Volume 3
Number 3

ИННОВАЦИОННАЯ
ЭКОНОМИКА
Научно-практический
электронный журнал

INNOVATIVE ECONOMY
Electronic scientific and
practical journal



INNOVATSION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

ISSN: 3030-315X

ojs.kstu.uz

Muassis:

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi:

R.X.Ergashev, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Tahririyat Kengashi raisi o‘rinbosari:

S.N.Xamrayeva, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Mas’ul muharrir:

N.A.Ochilova, PhD, dotsent

Texnik muharrir:

S.J.Qulmurotov

Jurnal har oyda bir marotaba elektron shaklda jurnalning rasmiy sayti orqali nashr etiladi.

Tahririyat manzili:

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi 225-uy Tel.:

+998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Faks: +998 (75) 221 1395

innoeconomic@kstu.uz

“Innovatsion iqtisodiyot” ilmiy - amaliy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi **Oliy attestatsiya komissiyasi rayosatining 2025-yil 5-apreldagi 369-sonli qarori** bilan milliy ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

Jurnalda quyidagi ruknlar asosida maqolalar nashr etiladi:

1. Nazariya va metodologiya
2. Raqamli iqtisodiyot
3. Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti
4. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik
5. Inson kapitali iqtisodiyoti
6. Menejment va marketing
7. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
8. Moliya, kredit va investitsiya
9. Ekonometrika va statistika
10. Xizmat ko‘rsatish va turizm sohasi

TAHRIRIYAT KENGASHI:

Tahririyat Kengashining xalqaro a'zolari:

Ovchinnikov Viktor Nikolayevich - i.f.d., professor, akademik (Janubiy Federal Universitet, Rossiya)

Solodovnikov Sergiy Yurevich - i.f.d., professor (Belorussiya milliy texnika universiteti)

Sidorov Viktor Aleksandrovich - i.f.d., professor, (Kuban davlat universiteti)

Shevchenko Igor Viktorovich - i.f.d., professor (Kuban davlat universiteti, Rossiya)

Kusainov Xalel Xaymullievich - i.f.d., professor, akademik (Qozog‘iston Respublikasi Milliy fanlar akademiyasi)

Samandarzoda Iskandar Hakim - Iqtisodiyot fanlari doktori (Sh.Shotemur nomidagi Tojikiston agrar universiteti)

Gibadullin Artur Arturovich - i.f.n. dotsent (Milliy tadqiqot universiteti, Moskva energetika instituti, Rossiya)

Sergey Aleksandrovich Voynash - ilmiy xodim (P.Lumumbi nomidagi Rossiya xalqlar do‘stligi universiteti)

Valentina Nikolayevna Pulyayeva - iqtisod fanlari nomzodi, dotsent (Rossiya Federatsiyasi hukumati qoshidagi Moliya universiteti)

Dmitriy Evgenievich Morkovkin, iqtisod fanlari nomzodi, dotsent (Moliya universiteti, Rossiya Federatsiyasi hukumati)

Sadriddinov Manuchehr Islomiddinovich - i.f.d., professor, (Tojikiston Respublikasi Milliy fanlar Akademiyasi)

Perskaya Viktoriya Vadimovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Molchanov Igor Nikolayevich - i.f.d., professor, (Lomonosov nomidagi Moskva davlat universiteti)

Basova Mariya Mixaylovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Aleksandr Leonidovich Chupin, iqtisod fanlari nomzodi (P.Lumumbi nomidagi Rossiya xalqlar do‘stligi universiteti)

Nezamaykin Valeriy Nikolayevich - i.f.d., professor, (Rossiya davlat gumanitar universiteti)

Nikonorova Alla Vladimirovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Dmitriyeva Olga Aleksandrovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Shvets Yuriy Yuryevich - i.f.n., dotsent, (Rossiya Fanlar akademiyasining Nazorat fanlari instituti)

Kolosova Yelena Valeryevna - i.f.n., dotsent, (Plexanov nomidagi Rossiya iqtisodiyot universiteti)

Tahririyat Kengashi a'zolari:

Gulyamov Saidaxror Saidaxmedovich - i.f.d., professor, akademik

Pardayev Mamayunus Qarshiboyevich - i.f.d., professor

Navruz-zoda Baxtiyor Negmatovich - i.f.d., professor

Xatamov Ochildi Qurbonovich - i.f.d., professor

Fayziyeva Shirin Shodmonovna - i.f.n., professor

Jumayeva Gulrux Jo‘raqulovna - i.f.n., professor

Egamberdiyeva Salima Raimovna - i.f.n., dotsent

Erkayeva Gulbahor Panjiyevna - i.f.n., professor

Yakubova Shamshinur Shuxratovna - i.f.d., (DSc) dotsent

Amirqulov Shuhrat Olimovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Samiyeva Gulnoza Toxirovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aliqulov Azamat Tuyg‘unovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aminov Fazlitdin Baxadirovich - i.f.n., dotsent

Xo‘jaqulova Nigora Rustamovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Turobov Sherzod Alisherovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Alimova Munisa Yulchiyevna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Ergasheva Nasiba Raxmatullayevna - i.f.d., (DSc), dotsent

Boboqulov Sanjar Baxromkulovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Djalilov Raxmonkul Hamidovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Nomazov Baxrom Bobomurodovich - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Alimxanova Nigora Alimxanovna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Jonuzokov Mirzabek Kulmamatovich - i.f.f.d. (PhD), dotsent

Muxammadiyeva Yulduz Yusupovna - i.f.f.d. (PhD)

Tursunova Aziza Xoshimovna - i.f.f.d. (PhD)

Xolliyev Sherali Baxtiyorovich - i.f.f.d. (PhD)

Panjiyev Samijon Aliqulovich - PhD, dotsent



ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

ISSN: 3030-315X

ojs.kstu.uz

Учредитель:

**Каршинский государственный технический
университет**

Председатель редакционного совета:

Р.Х.Эргашев, доктор экономических наук, профессор

Заместитель председателя редакционного совета:

С.Н.Хамраева, доктор экономических наук,
профессор

Ответственный редактор:

Н.А.Очилова, PhD, доцент

Технический редактор:

С.Ж.Кулмуротов

Журнал издается один раз в месяц в
электронной форме и публикуется через
официальный сайт журнала.

Адрес редакции:

180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, дом 225

Тел: +998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Факс: +998 (75) 221 1395

E-mail: innoeconomic@kstu.uz

Научно-практический электронный журнал
«Инновационная экономика» включён в перечень
национальных научных изданий на основании
решения Президиума Высшей аттестационной
комиссии при Министерстве высшего образования,
науки и инноваций Республики Узбекистан от 5
апреля 2025 года № 369.

**В журнале публикуются статьи по
следующим рубрикам:**

1. Теория и методология
2. Цифровая экономика
3. Экономика регионов и отраслей
4. Малый бизнес и частное
предпринимательство
5. Экономика человеческого капитала
6. Менеджмент и маркетинг
7. Бухгалтерский учет, экономический анализ и
аудит
8. Финансы, кредит и инвестиции
9. Эконометрика и статистика
10. Сфера услуг и туризм

Редакционная коллегия:

Международные члены Совета редколлегии:

Овчинников Виктор Николаевич - д.э.н., профессор, академик
(Южный федеральный университет, Россия)

Солодовников Сергей Юрьевич - д.э.н., профессор
(Белорусский национальный технический университет)

Виктор Александрович Сидоров - д.э.н., профессор,
(Кубанский государственный университет)

Шевченко Игорь Викторович - д.э.н., профессор (Кубанский
государственный университет)

Кусаинов Халел Хаймуллович - д.э.н., профессор, академик
(НААН Республика Казахстан)

Самандарзода Искандар Хаким - д.э.н., профессор
(Таджикистанский аграрный университет им. Ш.
Шотемура)

Гибатуллин Артур Артурович - к.э.н., доцент
(Национальный исследовательский университет
«Московский энергетический институт»)

Войнаш Сергей Александрович - научный сотрудник
(Российского университета дружбы народов имени
П.Лумумби)

Пуляева Валентина Николаевна - к.э.н., доцент
(Финансовый университет при Правительстве РФ)

Морковкин Дмитрий Евгеньевич - к.э.н., доцент
(Финансовый университет Правительство РФ)

Садриддинов Манучехр Исламиддинович - д.э.н.,
профессор (Национальная академия наук Республики
Таджикистан)

Перская Виктория Вадимовна - д.э.н., профессор
(Финансовый университет при Правительстве РФ)

Молчанов Игорь Николаевич - д.э.н., профессор (Московский
государственный университет имени М.В. Ломоносова)

Басова Мария Михайловна - д.э.н., профессор
(Финансового университета Российской Федерации)

Чупин Александр Леонидович - к.э.н. (Российского
университета дружбы народов имени П. Лумумби)

Незаймакин Валерий Николаевич - д.э.н., профессор (РГТУ)

Никонорова Алла Владимировна - к.э.н., доцент
(Финансового университета Российской Федерации)

Дмитриева Ольга Александровна - к.э.н., доцент
(Финансового университета Российской Федерации)

Швец Юрий Юрьевич - к.э.н., доцент (Институт проблем
управления РАН)

Колосова Елена Валерьевна - к.э.н., доцент (Российский
экономический университет имени Г.В. Плеханова)

Члены Совета редколлегии:

Гулямов Саидхорр Саидхмедович - д.э.н., профессор,
академик

Пардаев Мамаюнус Каршибоевич - д.э.н., профессор

Навруз-зода Бахтиёр Негматович - д.э.н., профессор

Хатамов Очилди Курбанович - д.э.н., профессор

Файзиева Ширин Шодмоновна - к.э.н., профессор

Жумаева Гулрух Журакуловна - к.э.н., профессор

Эгамбердиева Салима Раимовна - к.э.н., доцент

Еркаева Гулбахор Панжиевна - к.э.н., профессор

Якубова Шамина Шухратовна - д.э.н., (DSc), доцент

Амиркулов Шухрат Олимович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Самиева Гулноза Тохировна - д.ф.э.наук., (PhD), доцент

Алигулов Азамат Туйгунович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Аминов Фазлитдин Бахадирович - к.э.н., доцент

Хужакулова Нигора Рустамовна - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Туробов Шерзод Алишерович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Алимова Муниса Юльчиевна - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Эрашьева Насиба Рахматуллаевна - д.э.н., (DSc), доцент

Бобокулов Санжар Бахромкулович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Джалилов Рахмонкул Хамидович - д.ф.э., (PhD), доцент

Номазов Бахром Бобомуродович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Алимханова Нигора Алимхановна - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Джанузакоев Мирзабек Кулмаматович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Мухаммадиева Юлдуз Юсуповна - д.ф.э.н., (PhD)

Турсунова Азиза Хошимовна - д.ф.э.н., (PhD)

Холлиев Шерали Бахтиёрович - д.ф.э.н., (PhD)

Панджиев Самиджон Аликулич - PhD, доцент



Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti
Economy of the region and industry
Экономика региона и отрасли



ТУРЛИ МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАГИ БАЛИҚЧИЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Беглаев Учқун Хуррамович

ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОПЫТА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В РАЗВИТИИ РЫБОЛОВСТВА В СТРАНАХ С РАЗЛИЧНОЙ ФОРМОЙ СОБСТВЕННОСТИ

Беглаев Учқун Хуррамович

POSSIBILITIES OF USING THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE DEVELOPMENT OF FISHERIES IN COUNTRIES WITH DIFFERENT FORMS OF OWNERSHIP

Beglayev Uchqun Khurramovich

Received: March 18, 2026 Revised: March 21, 2026 Accepted: March 26, 2026 Published: April 1, 2026

Аннотация. Маколада хорижий мамлакатлар Хитой, Вьетнам, Қозоғистон тажрибаси, етиштирилган балиқ маҳсулотлари ва уларнинг бошқарув механизмларининг асосий мезонлари келтириб ўтилган. Шунингдек, хорижий давлатларнинг узоқ муддатли, ўрта муддатли, йиллик ривожланиш стратегиялари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: балиқчилик, хорижий мамлакатлар, бозор иқтисодиёти, хўжаликларни бошқариш, бошқарув, турли мулкчилик шакли, самарадорлик, ишлаб чиқариш, тонна, аквакультура, табиий балиқчилик, ҳудуд, балиқ маҳсулотлари, денгиз маҳсулотлари.

Аннотация. В статье рассматривается опыт зарубежных стран — Китая, Вьетнама, Казахстана, основные критерии выращиваемой рыбной продукции и механизмы управления ею. Также освещаются долгосрочные, среднесрочные и годовые стратегии развития зарубежных стран.

Ключевые слова: рыболовство, зарубежные страны, рыночная экономика, управление рыбноводческими хозяйствами, управление, различные формы собственности, эффективность, производство, тонны, аквакультура, естественное рыболовство, территория, рыбная продукция, морепродукты.

Abstract. This article examines the experience of foreign countries—China, Vietnam, and Kazakhstan—as well as the key criteria for farmed fish products and their management mechanisms. It also highlights the long-term, medium-term, and annual development strategies of these countries.

Keywords: fisheries, foreign countries, market economy, fish farm management, governance, various forms of ownership, efficiency, production, tons, aquaculture, wild fisheries, territory, fish products, seafood.

■ КИРИШ

Балиқчилик ва аквакультура ҳар доим дунё аҳолисини озиқлантиришда асосий соҳа сифатида қараб келинади. Аммо, глобал иқлим ўзгариши натижасида саноат ва балиқ овининг барқарорлиги билан боғлиқ ташвишлар балиқчилик соҳасида муҳокамани тобора кўпроқ шакллантирмоқда. Ҳаддан ташқари балиқ овлаш балиқ овлаш билан яшайдиган юз миллионлаб одамларнинг ҳаётига таҳдид солади. Балиқ овлаш флотлари узокрок балиқ овлаш жойларига етиб бориш учун ёйилган бўлса-да, аквакультурадан фойдаланиш айниқса Осиёда кенг тарқалмоқда. Бу тобора ортиб бораётган глобал аҳолининг озиқ-овқат таъминотини таъминлашга

ёрдам берадиган янада барқарор альтернатив вариант сифатида қаралмоқда.

■ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Балиқчилик хўжаликларини барқарор ривожлантириш уларни тизимли ва самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш, соҳани интенсив ва инноватсион технологиялар асосида ривожлантириш муаммолари бўйича мамлакатимиз ва хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари турли йўналишда илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган. Жумладан, хорижий давлатлар олимлари: Ф.Беркис, Р.Махон, М.Соломон, Р.Хилборн, П.Даниел, Ф.Райнер, Ф.Д.Жонстон, А.С.Томмас, С.Хаммерланд, К.Греер, Ж.Маттиас балиқчиликни барқарор ривожлантириш ва бошқаришда МДХ



давлатлари олимларидан: С.И.Курдюков, А.К.Богерук, Дж.Ритер, О.В.Кузнецова, Н.В.Алесина, Р.Р.Галулиния, Ж.М.Гордон, В.К.Киселёв, П.А.Душин, А.А.Тарасенко, В.С.Казанчева, Д.Ш.Якубова ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган, ҳамда бу борадаги айрим масалалар мамлакатимиз аграр иқтисодчи олимларидан: Д.Р.Шохимардонов, С.С.Фуломов, Р.Х.Эргашев, И.О.Юнусов ва бошқа олимларнинг илмий асарларида қисман ўрганилган ҳамда тадқиқ этилган.

■ НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, балиқчиликда бошқарув механизмининг асосий механизмлари ва янги элементларини ҳам ажратиш лозим бўлади:

Давлат аралашувини балиқчиликни бошқарувида кучайтириш — давлатларда аквакультура учун бир марказлаштирилган орган ташкил этиш, экотизимга асосланган бошқарув (ecosystem approach) тизимини жорий қилиш ва назоратни кучайтириш.

Балиқчиликда ресурсларни самарали бошқариш — сув, озуқа ва ер ресурсларини интеграллаштириш, чиқиндиларни камайтириш, инноватсион ва интенсив технологиялар улушини ошириб бориш.

Балиқчиликда ижтимоий масъулият — балиқчиликда фаолият олиб бораётган турлимулкчилик шаклидаги субъектлар ҳуқуқлари, гендер тенглиги, жамоат иштироки ва иқлим ўзгаришига мослашув (climate-smart aquaculture) тизими бўйича хўжаликлар маъсулятини ошириш лозим бўлади.

Жанубий Хитой денгизи минтакалар бўйича балиқ овлаш ва балиқ захираларининг нобуд бўлиши хавфи остида бўлган ҳудуднинг ёрқин намунаси. Бундан ташқари икки йирик балиқчиликнинг улуши юқори бўлган Хитой ва Индонезия давлатлари шунингдек, уларнинг қўшнилари минтақа ва унга туташ ҳудудларда балиқ овлаш ҳуқуқи учун узок давом этаётган сиёсий кураш ичида қолмоқда. Хитой Халқ Республикаси дунёдаги энг йирик балиқ ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакат бўлиб, 2025 йилда балиқ ва денгиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг қарийб 46 фоизини

ташкил қилади. Хитойда балиқ ва денгиз маҳсулотлари истеъмол бозори 2025 йилда чакана савдо бозорининг умумий ҳажми 95 миллиард АҚШ доллардан ошди ва 2030 йилга келиб тахминан 153 миллиард долларга етиши тахмин қилинмоқда.

Хитойда балиқ ва денгиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги ўн йилликларда сезиларли даражада ошди, 1980 йилда 4,5 миллион тоннадан 2025 йилда 74 миллион тоннагача ошди. 1990-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу ўсиш деярли фақат аквакультура ҳисобидан таъминланди, ёввойи балиқларни овлаш эса тахминан 13 миллион тоннадан 15 миллион тоннагача барқарорлашди. 2022-йил январь ойида эълон қилинган Балиқчиликни ривожлантиришнинг беш йиллик режасида аквакультура ишлаб чиқаришни миқдорий ва сифат жиҳатидан янада яхшилаш, шу билан бирга балиқ овлаш ҳажмини 2020 йилдаги 13 миллион тоннадан 2025 йилда 10 миллион тоннадан пастга тушириш мақсадлари белгилаб берилган. Хитойнинг аквакультура саноатида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ярмидан кўпи ички сувлардан келади, уларда балиқчилик кенг йўлга қўйилган. Шу билан бирга, денгиз аквакультураси моллюскаларни етиштиришга қаратилган бўлиб, бу Хитойни дунёдаги энг йирик моллюска ишлаб чиқарувчисига айлантиради. Аквакультурада ишлаб чиқаришнинг ўсишига қарамай, Хитой балиқ овлаш ҳажмини ва балиқ овлаш кемалари сонини камайтиришга қаттиқ назоратни кучайтирди. Бироқ, бу асосан Хитойнинг қирғоқ ва ички ресурсларига тегишли бўлиб, узок сув флотининг балиқ овлаш ҳажми эса йилига тахминан 2,3 миллион тонна миқдорида барқарор сақланиши режалаштирилган.

Хитой балиқ ва денгиз маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчиси бўлса-да, аммо, улкан истеъмолчи мамлакат ҳамдир ва асосан ички бозори учун ишлаб чиқаради. Сўнгги йилларда балиқ маҳсулотлари экспорти ва импорти тахминан тўрт миллион тоннани ташкил этди. Шунингдек, экспорт асосан бошқа Осиё мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатларига йўналтирилган бўлиб, асосий импорт ҳамкорлари эса Эквадор, Россия, Канада ва Ҳиндистон ҳисобланади. Хитой ўз аҳолисини ихтиёжини таъминлашда катта импорт тоифалари қисқичбақасимонлар ва музлатилган балиқларни ташкил этади.

1-жадвал

2020-2025 йилларда Хитой аквакультура ўсиши (млн тонна)⁹

№	Йил	Умумий аквакультура	Табиий ов	Жами маҳсулот
1	2020	~51	~9–10	~65
2	2021	~52	~10–11	~65
3	2022	~53–55	~11–12	~67–69
4	2023	~54–55	~12–13	~68–69
5	2024	~55	~13–14	~69–70
6	2025	~57–58	≤14	~71

⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

<https://ojs.kstu.uz/index.php/ej>



1-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, Хитой дунё аквакультура маҳсулотининг ~56-60% ни таъминлайди 2025 йилда ~57-58 млн тонна атрофида балиқ етиштириб, табиий ов (capture fisheries) ҳажмини ~14 млн тонна даражасида тутиб туриш бошқарув механизмига тўғридан тўғри боғлиқ саналади. Хитойнинг балиқчилик хўжаликларини бошқарув сиёсати аквакультурани ривожлантириш, броканерлик табиий ҳавзалардан балиқ овлашни камайитириш, экологик назорат ва ветеринария хизматиға эътибор қаратилган. Энг муҳим йўналиш — Integrated Multi-Trophic Aquaculture (IMTA) — турли балиқ турларини бирга етиштириш (балиқ + моллюскалар + сувўтлар + денгиз бўрсиклари) тизими жорий этилди. Бу тизим Хитойда 2000 йиллардан кенг қўлланилади. Бу тизимнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

Озуқа бериладиган балиқ/қискичбақа (fed species) чиқиндилари → Сув филтрловчи моллюскалар (устрица, мидия) ва денгиз бўрсиклари (organic extractive) томонидан тозаланади → Сув ўтлари (келп, граталярия) озуқа моддаларини (азот, фосфор) ўзлаштиради (inorganic extractive) → Натижада сув тозаланади, чиқинди камаяди, қўшимча даромад олинади. Балиқчиликни барқарор ривожлантириш стратегиясида давлат аквакультура (сувда етиштириш)ни кенгайтириш орқали балиқ маҳсулотлари таъминотини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришни юқори сифатли қилиб қайта шакллантириш мақсад қилинган. Бунда илм-фан ва технология тадқиқотлари: Гермплазма (генетик

ресурслар), аквакультура иншоотлари ва касалликларни назорат қилиш бўйича илмий изланишларни кучайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, 10 йиллик балиқ овлаш тақиқи: Балиқ ресурслари ва экологиясини тиклаш учун муҳим биологик чора сифатида амалга оширилмоқда. Юқори сифатли ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш: Балиқовлаш ва аквакультура фаолиятлари экологик барқарорликни сақлаш йўналишида тикланмоқда (1-расм).

Хитой ўз бошқарув механизмларида қуйидаги асосий жиҳатларга алоҳида эътибор берган.

Таълим: Фермерлар, мутахассислар ва ишчилар учун доимий ўқитиш, семинарлар, техник малака ошириш. Давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан ташкил этилади.

Бошқарув тизими: Марказий орган — Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ишлари вазирлиги (MARA) остидаги Балиқчилик ва балиқчилик сиёсати бюроси. У қонунлар, қоидалар, беш йиллик режалар экологик стандартлар ва лицензиялашни бошқаради.

Илмий-тадқиқот: Хитой балиқчилик илмий-тадқиқот академияси (CAFS) ва унинг филиаллари (масалан, Янцзи дарёси, Шимолий денгиз, Жанубий денгиз институтлари). Улар янги турлар, IMTA технологиялари, касалликларга қарши кураш ва экологик усулларни ишлаб чиқади.

Қарорлар ва ривожлантириш: Маҳаллий ҳокимиятлар (провинция, шаҳар, уезд даражасидаги балиқчилик бюрolari), кластерлар, кооперативлар, фермер хўжаликлари, йирик компаниялар каби).



1-расм. Хитой балиқчилик тизимини бошқариш механизми¹⁰

¹⁰ <https://www.moa.gov.cn/> маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.
<https://ojs.kstu.uz/index.php/ej>



Натижа: Аквакультура ҳажмининг ўсиши (53+ млн тонна), технологияларнинг кенг қўлланиши (ИМТА, смарт фермерлик), экологик тоза ривожланиш, экспорт ва ички бозорни таъминлаш.

Бу тизим марказлаштирилган ва самарали: давлат сиёсати орқали мақсадлар қўйилади, илм-фан қўллаб-қувватлайди, маҳаллий амалиётда фермерлар ва компаниялар ижро этади. Натижада Хитой дунёдаги энг йирик аквакультура мамлакатига айланди.

Балиқчилик бутун дунёдаги миллионлаб инсонлар учун озиқ-овқат ва даромаднинг муҳим манбаи ҳисобланади. Балиқ дунёдаги энг машҳур озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлиб қолмоқда ва балиқ экспортининг ярмидан кўпи ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. 2025 йилда Вьетнам денгиз маҳсулотлари бўйича дунёдаги бешинчи йирик экспортчи бўлиб қолмоқда. Дунёнинг энг йирик 5 та денгиз маҳсулотлари экспортчиси қаторида, АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония каби йирик бозорларга етказиб беради.

Вьетнам Жанубий Хитой денгизининг ғарбий қирғоғида жойлашган бўлиб, мамлакатнинг қирғоқ бўйи узунлиги - 3260 км. Мамлакатда 3000 дан зиёд орол очик денгизда тарқалган. Вьетнам сув ҳавзалари майдони 1,700 минг гектарни ташкил қилади. Бунда балиқчиликни ривожлантириш учун 811,7 минг гектар чучук сув, 635,4 минг гектар шўр сув ва 300 000- 400 000 гектар сунъий сув ҳавзаларини ташкил этади. Буларнинг барчаси тез ривожланаётган балиқчилик соҳаси учун идеал шароит ҳисобланади.

Вьетнам Балиқчилик ассоцiациясининг 2025 йилгача мўлжалланган бир қатор махсус мақсадлари қуйидагилардан иборат:

а) жами балиқ овлаш ҳажмининг йилига 7 миллион тоннани ташкил этиши, шундан балиқ овлаш ҳажми 35 фоизни, денгиз маҳсулотлари етиштириш 65 фоизни ташкил этиши лозим;

б) денгиз маҳсулотлари экспорти қиймати ўртача 11 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши, йиллик ўртача ўсиш суръати 7-8 фоизни ташкил этиши (2015-2025 йилларда);

с) экспорт қилинадиган маҳсулот қиймати улушини 50% га етказиш;

д) балиқ овлаш бўйича ишчиларнинг тахминан 50 фоизини ўқитиш;

е) ишчиларнинг ўртача даромадини уч барабар кўпайтириш;

г) денгиздан маҳсулот йиғим-теримнинг йўқолишини ҳозирда 20% дан 10% гача камайтириш.

Вьетнамда балиқчилик сектори миллий иқтисодиётда муҳим рол ўйнайди, яъни, ялпи ички

маҳсулотнинг (ЯИМ) 4-5 фоизини ва миллий экспорт даромадининг 9-10 фоизини ташкил этади. 2018–2025 йилларда умумий маҳсулот 7,7 миллион тоннадан 9,5 миллион тоннага ўсди (+23%).

Аквакультура улуши: 58%

Ов улуши: 42%

1. Аквакультура (сувда етиштириш) 2018–2024: 4,1 миллион тоннадан 5,7 миллион тоннага (+38%). Экспорт учун асосий ҳудуд – Меконг дельтас (пангасиуснинг 95%, қисқичбақанинг 80%).

Ҳукуматнинг юқори мақсадлари ва қўллаб-қувватлаши табиий ресурслар (узун сохил, катта ер ва сув майдонлари) + 600 та экспортчи компаниянинг ташкил этилиши ҳамда хусусий сектор – инвестицияларни фаол жалб қилинишига имкон яратилди.

Давлат бошқарувининг барча балиқчилик субъектларина таъсири ва қўллаб-қувватлаши Эркин савдо битимлари (ФТА) – 90% экспортга йўналитирилган балиқ маҳсулотларига қулай имкониятлар яратиб бермоқда.

Вьетнам Балиқчилик ассоцiациясининг 2030 йилгача ривожланиш стратегияси ҳамда 2045 йилгача истиқболли режаларига кўра:

✓ Ишлаб чиқариш қийматининг ўсишини йилига 3,0–4,0% га ошириш;

✓ Умумий маҳсулот ҳажмини 10,8 миллион тоннага етказиш;

✓ Экспортдан тушадиган маблағлар ҳажмини 14–16 миллиард долларга етказиш;

✓ Иш ўринлари сонини 5,5 миллиондан ортиққа етказиш ҳамда иш ҳақини миллий ўртача даражада кўтариш;

✓ Қайта ишлаш саноатини глобал марказга айлантириш;

✓ Дунё миқёсидаги йирик компанияларни яратиш;

✓ Инвестицияларни жалб қилиш, бозорларни кенгайтириш;

✓ Қиймат занжири бўйича барқарор ривожланишни таъминлаш ва ҳ.

Балиқчилик соҳасида 4 миллиондан ортиқ киши банд бўлиб, балиқчиликнинг турли соҳаларида ишлаб келмоқда. Балиқчиликда турли субъектларнинг фаолият олиб бориши Вьетнамнинг денгиз маҳсулотлари етказиб берувчи давлатлар қаторига киришига ҳамда денгиз маҳсулотларини жаҳон бозорига экспорт қилувчи етакчи давлатга айланишига замин яратди бу эса балиқ маҳсулотлари ҳажмининг йилдан йилга ошиб боришига эришилди (2-расм).




2-расм. Вьетнам Республикасида 2018-2025 йилларда етиштирилган денгиз маҳсулотлари¹¹

¹¹ <http://seafood.vasep.com.vn/685/onecontent/fishery-profile.htm>



2018 йилда 7 млн. 739 тонна денгиз маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 10 млн. 141 минг тоннани ташкил этди.

2018 йилга нисбатан 1,4 барабар кўпроқ денгиз маҳсулотлари етиштирилганини бу давлатнинг асосий экспортчи давлат эканлигини кўрсатмоқда.



3-расм. Вьетнам Республикасида 2018-2025 йилларда аквакултурада етиштирилган балиқ маҳсулотлари¹²

Аквакултурада 2018 йилда 4 млн. 212 тонна балиқ маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 6 млн. 141 минг тоннани ташкил этди. 2018 йилга нисбатан 1,4 барабар кўпроқ денгиз маҳсулотлари етиштирилганини бу давлатнинг асосий экспортчи давлат эканлигини кўрсатмоқда.

Қисқичбақалар, пангасиус, оркинос мамлакат томонидан экспорт қилинадиган асосий денгиз

маҳсулотлари ҳисобланади. Қисқичбақалар экспорти 3,5 - 4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади, бу Вьетнамнинг умумий денгиз маҳсулотлари сотишининг 46-50 фоизини ташкил этади. Пангасиусдан олинадиган даромад 1,7-1,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этди (жами 25%) ва туна ва цефалопод экспорти 450-550 млн АҚШ долларини ташкил этади.

2-жадвал

Вьетнам Республикасида 2024-2025 йилларда балиқ овлаш ва экспорт кўрсаткичлари маълумотлари¹³

№	Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Балиқ овлаш		Экспорт		Ўсиш	
			2024	2025	2024	2025	Балиқ овлаш +/-	Экспорт +/-
1	Майда қисқичбақа	минг тонна	2995,1	3854,7	1162,3	1480,7	+22.3	+21.5
2	Вҳителег қисқичбақаси	минг тонна	1791,1	2529,9	4606,8	1417,5	+29.2	-2,5
3	Қора коплон қисқичбақаси	минг тонна	3127,8	878,6	1067,1	1309,4	-5,6	+18.5
4	Пангасиус	минг тонна	1019,1	1788	658,5	1276,2	+4.3	+48.4
5	Туна	минг тонна	881,1	1148,8	582,6	1623	33,3	64,2
6	Бошқа тур балиқлар	минг тонна	1283,1	1443,4	490,2	1089,5	11	5,5
7	Цефалопод	минг тонна	363,8	620,82	49,4	106,16	+41.4	+53.4
8	Моллюскалар	минг тонна	79,10	98,51	96,8	97,798	+19.7	-0,1
Жами			11540,5	12362	8714,1	8400,8		

¹² <http://seafood.vasep.com.vn/685/onecontent/fishery-profile.htm>

¹³ Вьетнам > Рыба > vietnam.vnanet.vn, 26 ноября 2018 > № 2803342
<https://ojs.kstu.uz/index.php/ej>



Вьетнамда 2025 йилда 11 миллион тоннадан ортиқ денгиз маҳсулотлари етиштирилган бўлиб, жаҳон бозорига экспорт қилган. Асосий импорт қилувчи давлатлар: Европа Иттифоқи, АҚШ, Япония, Хитой ва Гонгконг бўлиб, 2025 йилнинг ўзида 8 миллион тоннадан ортиқ балиқ маҳсулоти экспорт қилинган, 2024 йилга нисбатан 17,9 % кўпроқ балиқ сотишга эришилган.

Вьетнам давлатида балиқчилик ва аквакултурани бошқариш Табиий ресурслар ва

атроф-муҳит вазирлиги тасаруфида ҳамда жамоат ташкилотлари ва корхоналарини назоратида бошқарилади. 2024-2025 йилларда жами давлат бошқарув бўлимлари 13 та, жамоат ташкилотлари 12 та, корхоналар эса 13 тани ташкил этган (3-жадвал)¹⁴. 2025 йилдан бошлаб вазирлик Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит вазирлиги (МАЭ) сифатида бирлаштирилди.

3-жадвал

Вьетнам балиқчилик ва аквакултурани тизимини бошқариш тузулмаси¹⁵

№	ДАВЛАТ БОШҚАРУВ БЎЛИМЛАРИ	ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ	КОРХОНАЛАР
1	Ер ресурсларини режалаштириш ва ривожлантириш департаменти	Партия ва касаба уюшмалари ишлари бўйича идора	Миллий сув ресурсларини режалаштириш ва тадқиқот маркази
2	Ер регистратсияси ва маълумотлар базаси департаменти	Вазирлик аппарати	Тиббий парвариш ва реабилитация маркази
3	Вьетнам геология департаменти	Ташкилот ва кадрлар департаменти	Вьетнам Геофанлар ва минерал ресурслар институти
4	Вьетнам минерал ресурслари департаменти	Халқаро ҳамкорлик департаменти	Ўлчов ва харитачилик институти
5	Табиат ва биологик хилма- хилликни муҳофаза қилиш агентлиги	Режалаштириш – молия департаменти	Вьетнам метеорология, гидрология ва иқлим ўзгариши институти
6	Ифлосланишни назорат қилиш департаменти	Фан ва технология департаменти	Стратегия ва сиёсат институти табиий ресурслар ва атроф-муҳит бўйича
7	Вьетнам денгиз ва ороллар агентлиги	Ҳуқуқий масалалар департаменти	Сув ресурслари институти
8	Вьетнам метеорология ва гидрология бошқармаси	Ердан фойдаланиш департаменти	Ханож табиий ресурслар ва атроф- муҳит университети
9	Вьетнам ўлчов, харитачилик ва геомаълумотлар департаменти	Атроф-муҳит департаменти	Ҳо Чи Минх шаҳри табиий ресурслар ва атроф-муҳит университети
10	Иқлим ўзгариши департаменти	Вазирлик инспекторати	Табиий ресурслар ва атроф-муҳит алоқаси маркази
11	Сув ресурсларини бошқариш департаменти	Миллий минерал захираларини баҳолаш миллий кенгаши идораси	Табиий ресурслар ва атроф-муҳит газетаси
12	Миллий масофавий зондлаш департаменти	Вьетнам миллий Меконг қўмитаси доимий идораси	Табиий ресурслар ва атроф-муҳит журнали
13	Табиий ресурслар ва атроф- муҳит учун рақамли трансформация ва маълумотлар департаменти	Табиий ресурслар ва атроф- муҳит ўқитиш институти	—
14	—	Вазирлик лойиҳаларини бошқариш бўлими	—
15	—	Вьетнам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамғармаси	—
16	—	Вьетнам атроф-муҳит ва денгиз фанлари институти	—

¹⁴ <https://en.mae.gov.vn>

¹⁵ <https://en.mae.gov.vn> маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

<https://ojs.kstu.uz/index.php/ej>



Табиий ресурслар ва атроф-муҳит вазирлиги — бу давлат бошқарув органи бўлиб, у қуйидаги соҳаларда давлат бошқарувини амалга оширади:

- ер ресурслари;
- сув ресурслари;
- фойдали қазилмалар;
- геология;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- гидрометеорология;
- иқлим ўзгариши;
- геодезия ва картография;
- табиий ресурсларни комплекс бошқариш;
- денгиз ва ороллар муҳитини муҳофаза қилиш;
- масофадан зондлаш (remote sensing);
- шунингдек ушбу соҳаларда давлат хизматларини бошқариш.

Шунингдек вазирлик: узоқ муддатли, ўрта муддатли, йиллик ривожланиш стратегиялари ва режаларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширишни ташкил этади.

Балиқ ва денгиз маҳсулотлари - дунёнинг турли мамлакатларида аҳоли парҳезининг муҳим қисмини ташкил этадиган энг қимматли ва тўйимли озиқ-овқатлардан биридир. Қозоғистон Республикаси Статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, 2016 йилда балиқ ва денгиз маҳсулотларининг ўртача истеъмоли йилига 11 кг ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич бўйича мамлакат аҳолисини балиқ маҳсулоти билан таъминлашга эришилди (йилига тахминан 19 кг / киши), ривожланган Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида (камида 21 ва 24 кг / киши). Қозоғистонда балиқ ва балиқчиликни қайта ишлаш заводлари бугунги кун талабларига тўла жавоб бера оладиган қувват билан ишлай олмаганлиги натижасида балиқ маҳсулотлари етиштириладиган асосий манба бўлиб қолмади, республикада тайёр балиқ маҳсулотлари ва консервалар ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши бир неча сабабларга кўра юзага келди: бозорда чет эл фермаларининг рақобатбардошлиги, балиқ тутишнинг пасайиши, саноатга эътиборнинг камайирилиши ва инвестицияларнинг пасайиши кузатилди.

Қозоғистонда балиқчилик тармоғини ривожлантириш миллий агросаноат мажмуасининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Шу муносабат билан 2021–2030 йилларга мўлжалланган балиқчилик хўжалигини ривожлантириш дастури доирасида 2030 йилга келиб етиштириладиган балиқ ҳажмини йилига 270 минг тоннагача етказиш вазифаси қўйилган. Ушбу мақсадга эришиш учун мамлакатда 1000 дан ортиқ янги балиқчилик хўжаликларини ташкил этиш режалаштирилган.

Мамлакатда асосан карп, форель, осетр, сом, тилапия каби балиқ турлари етиштирилади. 2025 йил

яқунларига кўра, барча ҳудудларда етиштирилган балиқнинг умумий ҳажми 14,9 минг тоннани ташкил этган. Бу кўрсаткич белгиланган прогноздан 2 минг тоннадан ортиқ ёки 17 фоизга юқори бўлган (2024 йил режаси — 12,8 минг тонна).

2025 йилда балиқчилик соҳасида тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қонунчилик даражасида бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар қабул қилинди. Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мавжуд чоралари қаторида балиқчилик хўжаликларига киритилган инвестицияларнинг 25 фоизини қоплаб бериш, шунингдек озуқа сотиб олиш харажатларининг 30 фоизини субсидиялаш тизими амал қилмоқда.

Бундан ташқари, қўшимча равишда янги турдаги субсидиялар ҳам жорий этилди. Жумладан, қуйидаги харажатларнинг 50 фоизгача қисми субсидия қилинади:


- балиқчилик-биологик асослаш ишлари;
- балиқ уруғ материалларини (чавоқларни) харид қилиш;
- ветеринария ва доривор препаратлар;
- балиқларнинг таъмир-она (репродуктив) подаларини харид қилиш ва сақлаш харажатлари.

Ушбу соҳани ривожлантириш агросаноат мажмуасида фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, айниқса қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади. Шунингдек, бу жараён иқтисодиётда мультипликатив самара юзага келтириб, ҳудудий даражадаги қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Қозоғистон Республикасида 2025 йил «Аквакультура тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун импорт ўрнини босиш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолияти учун янада қулай шароитлар яратади. Шунингдек, балиқчилик хўжалигини ривожлантириш ва балиқ озуқаси ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларни қоплаш учун бериладиган субсидиялар миқдори оширилди.

Аквакультура билан шуғулланувчи юридик шахслар учун махсус солиқ режими жорий этилди. Унга кўра, давлат бюджетига тўланадиган мажбурий тўловлар ҳажми 70 фоизга камайтирилди.

Қозоғистон Республикаси Стратегик режалаштириш ва ислохотлар агентлиги ҳузуридаги Миллий статистика бюроси маълумотларига кўра, 2025 йилда 72,1 минг тонна балиқ, қисқичбақасимонлар, моллюскалар, шунингдек қайта ишланган ва консервланган балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 20,7 фоизга ўсиб, 37,8 минг тоннани ташкил этган. Бироқ бу ўсишни барқарор ривожланиш деб баҳолаш қийин, чунки ушбу динамика паст база фонида кузатилмоқда (4-расм).



4-расм. Қозоғистон Республикасида балиқ, қисқичбақасимонлар ва моллюскалар, қайта ишланган ва консерва миқдори (минг тонна)¹⁶

Худудлар кесимида Туркистон вилояти мутлақ етакчи бўлди. У мамлакатда етиштирилган балиқнинг ҳар тўртинчи тоннасини таъминлаган. Табиий кўрсаткичларда 2025 йилда 4,4 минг тонна карп, судак, толстолобик, оқ амур ва бошқа турдаги балиқлар етиштирилди.

Иккинчи ўринни Шарқий Қозоғистон вилояти эгаллади. У ерда балиқчилик ишлаб чиқариш натижалари жуда юқори бўлиб, 2 минг тоннадан ортиқ товар балиғи етиштирилди. Бу 2021 йилга нисбатан 3,8 баробар кўп демакдир. Асосий турлар — форель, карп, сазан, лосось ва бошқалар.

Қозоғистонда балиқчилик соҳаси етакчилари каторига шунингдек:

- Жамбил вилояти — 1,8 минг тонна
- Алматы вилояти — 1,7 минг тонна
- Шимолий Қозоғистон вилояти — 1,6 минг тонна ҳам кирди.

Худудий ихтисослашувга келсак, жанубий худудларда асосан форель, шимолий худудларда эса пелядь етиштириш кенг тарқалган. Келтирилган барча худудлар ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш динамикасини намоён этмоқда.


Балиқчилик соҳасидаги ишлаб чиқариш натижалари молиявий кўрсаткичларга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, аквакультура маҳсулотлари ва хизматларининг қиймат ҳажми

ушбу даврда 2,3 баробарга ошиб, 6,5 млрд тенгеден 14,9 млрд тенгегача кўтарилди.

Молиявий кўрсаткичлар бўйича етакчи Шарқий Қозоғистон вилояти бўлиб, бу ерда маҳсулот қиймати 3,1 млрд тенгени ташкил этган. Туркистон вилоятида эса ушбу кўрсаткич 2,9 млрд тенгени ташкил қилган. Шу билан бирга, Туркистон вилоятида етиштирилган балиқ ҳажми икки баробар кўп бўлган. Бу ҳолат маҳсулот тури ва бозордаги нарх фарқи билан изоҳланади: форель балиғи бозорда карпга нисбатан қимматроқ баҳоланади.

2023 йилда соҳада рекорд даражада инвестиция киритилган бўлиб, унинг ҳажми 22,3 млрд тенгени ташкил этган. 2025 йилда инвестициялар ҳажми 31,0 млрд тенге бўлиб, бу 2024 йилга нисбатан 8,7 фоизга ошганини кўрсатади. Бироқ янги лойиҳалар Манғистау вилоятида форель етиштиришга ихтисослашган балиқчилик хўжалиғи (лойиҳанинг умумий қиймати тахминан 12 млрд тенге) — амалга оширилиши натижасида инвестиция кўрсаткичлари ўсиши мумкин (5-расм)¹⁷

2025 йилда қабул қилинган “Аквакультура тўғрисида”ги қонун ва субсидиялар ҳажмининг оширилиши келгуси йилларда соҳада инвестициялар ўсишига туртки бериши кутилмоқда. Яқин икки йил ичида мамлакат худудларида яна 39 та янги аквакультура хўжалиғи ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати тахминан 50 млрд тенгени ташкил этади.



5-расм. Қозоғистон Республикаси балиқчилик ва аквакультурага киритилган инвеситициялар (млрд тенге)¹⁸

¹⁶ <https://energyprom.kz/articles-ru/industries-ru>

¹⁷ <https://energyprom.kz/articles-ru/industries-ru>

¹⁸ <https://energyprom.kz/articles-ru/industries-ru>

<https://ojs.kstu.uz/index.php/ej>

**■ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Тадқиқотларимиз давомида хориж тажрибасини ўрганиш ҳамда мамлакатимиз учун иқлим шароитимизга мос тажрибаларни қўллаш балиқ етиштириш ҳажмини ошириш имконини беради. Юқоридаги тажрибалардан келиб чиқиб юртимизда хориж тажрибасини қўллашда қуйидаги таклифларни киритиш мумкин:

- Вьетнам, Хитой ва Қозоғистон тажрибасидан келиб чиқиб мамлакатимизда қайта ишлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда балиқчилик субъектлари негизида жорий этиш;

- мамлакатимизга балиқчилик бўйича хориж инвестициялари ва технологияларини босқичма-босқич жорий этиш ҳамда давлат томонидан имтиёзлар берилишини йўлга қўйиш;

- балиқчилик соҳаси учун иқлим шароитимизга мос интенсив технологияларни (қаваслар, озуқа тайёрлаш технологиялари, сувни тозловчи аппаратлар ва ҳ.к) олиб кириш ҳамда ҳудудлар кесимида интенсив технологияларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- балиқчилик соҳаси ривожланган мамлакатлар ўртасида ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, хориж мутахассисларини жалб этиш ҳамда алоқа ўрнатишни йўлга қўйиш.

Muallif (lar) haqida / Сведения об авторе / Author details

Беглаев Учқун Хуррамович Тошкент давлат аграр университети Бизнесни бошқариш кафедраси доценти и.ф.ф.д (PhD) / Беглаев Учқун Хуррамович докторант философии (PhD) по экономическим наукам, доцент кафедры «Управление бизнесом» Ташкентского государственного аграрного университета / Beglayev Uchqun Khurramovich Associate Professor of the Department of Business Management, Doctor of Philosophy (PhD) in Economics, Tashkent State Agrarian University

E-mail: beglayevuchqun@gmail.com

ORCID:0009-0008-9491-6613

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Р.Эргашев, С.Халиков, У.Беглаев. Балиқчилик иқтисодиёти. Дарслик.: Т.- 2020. – 292 бет

2. Беглаев У.Х. Балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш ва бошқариш. // Монография. – Т.: “Наврўз”, 2020, – 131 б.

3. Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – Т.: “ЎАЖБНТ маркази”, 2003.-456 Б.;

4. Калиев Г.А. и др. Трудовые крестьянские (фермерские) хозяйства. Рекомендации. – Алма-Ата, 1990.- 30 С.

5. M.Blaug The Methodology of Economics or how economists explain Cambridge University Press 1992-416 p

6. Максудов И., Жўраев Ж., Амиров Ш. Чорвачилик асослари ўқув қўлланма - Т.:2012-361 б – 12 бет

7. Чориев Қ.А. Қишлоқ хўжалигида инновациялар жорий қилиш тизимини шакллантириш ва рағбатлантириш истикболлари (услугий тавсиялар). - Тошкент, 2014.

8. Шохимардонов Д.Р. Минтақаларда балиқчиликни ривожлантириш – Т.: 2010

9. Алесина Н.В. Совершенствование структуры управления рыбохозяйственным комплексом на микроуровне (на примере пред- тий Керченского п-ва) // Авт. реф. дисс. на соиск. уч. степени канд. эконом. наук. - М.: ВНИЭРХ, 2001.- 20с.

10. Беглаев У.Х. Балиқчилик хўжаликларини барқарор ривожлантиришда Вьетнам тажрибасидан фойдаланиш. // “Инновация ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани. Материаллар тўплами СамИСИ. 2020 й. 236-240- бетлар.;

11. Галулия Р.Р. Управление развитием регионального рынка рыбопродукции. Диссертация. – Уфа.: 2009. 180с

12. Душин П.А. Формирование региональной стратегии развития товарного рыболовства. - Санкт-Петербург.: 2003. 204 с



INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

ISSN: 3030-315X



t.me/kstu_uz



Qarshi shahri,
Mustaqillik ko'chasi 225



www.kstu.uz
www.ojs.kstu.uz